

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
бўйук
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 8 апрель, № 67 (3612)

Жума

Болалар спорти



ёшларни чорлайди

Яқинда Ўзбекистон туманидаги Яккатут қишлоғида замонавий «Ёшлик» болалар спорт мажмуи куриб фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларини 95-ҳўжалиқчиларо кўча механизацияланган жамланма курувчилари амалга оширдилар.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 250 миллион сўм маблағи ҳисобига курилан мазкур мажмуада спортнинг кўпга тури билан мунтазам шуғулланиш учун имкониятлар

яратилган. Ҳозирда стол тенниси, футбол, бейсбол кураш, каратэ каби тўғарақлар фаолият кўрсата бошлады.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Энг чекка қишлоқларда ҳам барча шароитларга эга бўлган замонавий спорт мажмуалари қад ростляпти.

«ЁШЛИК»

Юксак эътироф


Ўзбекистон Президентининг ташрифи ҳинд матбуоти нигоҳида

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 4 – 6 апрель кунлари Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборида бўлди. Ташриф бошланишидан олдиноқ қатор ҳинд матбаа нашрлари Ўзбекистон мавзусига, яъни унинг Президенти раҳнамолигида мамлакатнинг муваққил ривожланиш йилларида кўлга киритган улкан ютуқларига мурожаат этди.

31st Year of Publication - 2005

INTERNATIONAL
SOCIALLOOK



Ҳиндистонда нашр этиладиган халқаро масалаларни ёритувчи "Sociallook International" ойлик журнали апрель ойи сонини тўлалигича мамлакатимиз мавзусига бағишлады. У "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Жаноби Олийларининг Ҳиндистонга давлат ташрифи муносабати билан нашр этилган махсус сон" деган умумий сарлавҳа остида босиб чиқарилди. Журнал муқовасининг биринчи бетиде мамлакатимиз раҳбарининг рангли сурати ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Журналда бугунги замонавий Ўзбекистон, ислохотлар самаралари ўларок эришилган муваффақиятлар, амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар, халқимизнинг миллий аъёнлари сингари мавзуларга бағишланган қатор мақола ва суратлар ўз ифодасини топган.

«Ҳиндистон — МДХ». Савдо ва саноат палатасининг шу номда нашр этиладиган ойлик журнали ҳам апрель ойи сонини мамлакатимиз мавзусига бағишлады. Муқовасининг биринчи бетиде Юртбошимизнинг рангли сурати чоп этилган ушбу нашр саҳифалари Ўзбекистон Президентининг таржimai ҳоли билан очилади. Мазкур па-

лата Ислам Каримов ва унинг бошчилигида давлат ташрифи билан Ҳиндистонга келган делегация аъзоларига йўланган кўловини алоҳида саҳифада эълон қилди. Шунингдек, Ўзбекистон пахтаси, мамлакатимизда божхона, импорт тизими тартиботлари, Ўзбекистонда сайёҳлик сингари мавзулардаги қатор сурат ва мақолалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Инглиз тилида чоп этиладиган "Indo-Europe News & Information Bureau" ҳамда ҳинд ва инглиз тилларида чиқадиган "Public News" газеталари ташриф арафасида бир саҳифани тўлалигича Ўзбекистон ва унинг Президенти мавзусига бағишладилар.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистонда юз минглаб, миллионлаб тиражларда чоп этиладиган нуфузли етакчи газеталар мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташрифни алоҳида ёритиб беришди. "Хинду", "Индия Экспрес", "Хиндустан Таймс", "Пайонир" ва бошқа кундалик газеталар мазкур ташриф тафсилотларига бағишланган қатор хабар-мақолаларни мамлакатимиз раҳбарининг сурати билан бирга чоп этди. Айниқса, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг терро-

ризмига қарши кураш борасидаги қарашлари муштараклиги мавзуси маҳаллий матбуотнинг алоҳида эътиборида бўлди. Уларда мамлакатимизнинг бу балою офат билан кураш ишига қўшган ва қўшаётган катта ҳиссаси хақли равишда эътибор этилади. Ташриф доирасида имзоланган муҳим ҳужжатлар мавзуси ҳам алоҳида қаламга олинди.

Булардан ташқари, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришни кўзда тутадиган қатор ҳужжатларнинг имзолангани нафақат кунлик наشرлар, балки турли маҳаллий телеканалларда ҳам алоҳида ёритилди. Ҳукуматга қарашли бўлган "Дурдаршан" канали, "The Z Network", "Zee TV" сингари хусусий телеканалларида ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлат ташрифи изчил ёритиб берилди.

Шубҳа йўқки, буларнинг барчаси ҳинд дёврида Ўзбекистон ҳамда унинг халқига қизиқш ва эътиборнинг юксаклигидан далолат беради.

Шухрат УМИРОВ,
"Ҳақон" АА махсус мухбири.

Ўз РИЗҚИМИЗНИ ЎЗИМИЗ УВОЛ ҚИЛМАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 март куни эълон қилинган "Экинларни пайҳон қилишга қариш кураш чораларини кучайтириш тўғрисида"ги қарориде қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга барҳам беришга, қурилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда истеъмол қилинадиган буюбдойнинг йиғирма фоизига йиғирма етиштирилди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида юртимиз галла мустақиллигига эришди.

Бугун бир миллион гектардан зиёд майдонда галла барқ уриб ўсмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, галла ривожини яхши. Фақат экинларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учраб тургани, оқибатда галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилининг катта миқдорда исроф бўлаётгани, экинзорларни кўриқлашга ортиқча маблағ

ва ишчи кучи сарфланаётгани ачинарлидир. Биргина Тошкент вилоятида тўрт юздан зиёд ишчи идоралари ходими, минг-хосилини чорвага едириб қўймайди. Бироқ Оққўрғон туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги галлазориде бемалол ўтлаб юрган етти

га яқин дала қоровули бу ишга жалб қилинган. Жойларда 250 кузатув постиде ташкил этилган. Вилоят ҳукукни химоя қилиш идоралари шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида пайҳон билан боғлиқ 214 ҳолатни қайд этди. Элик гектардан зиёд галла майдонини пайҳон қилган. Хўжалиқлар кўрган зарар эса тўрт миллион етти юз минг сўми ташкил этади. Деҳқон машаққатлар эвазига етиштираётган

Қарор ва ижро

бош қорамолни ҳайдаб чиқиш фермернинг ҳам мол эгасининг ҳам ҳаёлига келмаган. "Оққўрғон" ширкат хўжалигида яшовчи А.Усмонов оила-сига тегишли қорамоллар фермернинг ярим гектар майдондаги галласини пайҳон қилди. Прокуратура ходимлари мутахассислар иштирокида келтирилган зарарни ҳисоблаб чиқишди ва айбдордан 132 минг сўм жарима ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритди. Шу туманнинг Се-

В.ЛУКМОНОВ,
Н.ДУШАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва Кенгашнинг ўтган йилги фаолияти якунига оид масалалар муҳокама этилди.

Маънавиятчилар кенгашилар

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюмчаси раиси Абдулла Орипов, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов, "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директори Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқалар мамлакатимизда ҳукукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш, миллий истиқлол гоёсини халқимиз, айниқса ёшлар қалби ва онгига чуқурроқ синдириш, маънавиятни янада юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимидаги маънавий-маърифий ишлар, Кенгашнинг Тошкент шаҳар, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги бўлимларининг бу бордаги фаолияти ҳам таҳлил этилди. Нотиқларнинг эътирофича, фаолияти таҳлил этилган вазирлик, шаҳар ва вилоятларда ибратли тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, Ички ишлар вазирлигида "Маърифат дарслари", "Сийёсий-ижтимоий ўқув машғулотларининг доимий равишда ўтказиш йўлга қўйилган.

Тадбирда ютуқлар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, айрим қорхона ва ташкилот раҳбарлари маънавий-маърифий, гоёвий-сийёсий ишлар фақатгина маънавият ва маърифат марказининг иши деган нотўғри тushундан воз кечолмаптилар.

Йиғилиш ишида Республика Бош вазири уринбосари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Р. Қосимов сўзга чиқди. М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жойлардан хабарлар

Бухорони дунё билади

«Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими томонидан «Бухоронинг олтин мерослари» мавзусида давра сўҳбати ўтказилди, деб хабар беради «Туркистон пресс» мухбири А. Қудратов.

Унда Бухородаги тарихий обидаларни сақлашга доир масалалар муҳокама этилди. Айни пайтда Бухородаги маъжуд 400 дан ортиқ меъморий ва тарихий ёдгорликларнинг аксарияти батамом еки қисман қайта ташкирланган.

Тадбирда иштирок этган Германиядан келган сайёҳлик бўйича эксперт Андреа Лоенбергернинг таъкидлашича, Ўзбекистондаги бой маънавий мерослар халқаро туризм ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур кубоғи учун

Кейинги йилларда мамлакатимиз кўпга йирик халқаро турнирларга мезбонлик қилмоқда. 9-10 апрель кунлари пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида таэквондо-нинг ИТФ йўналиши бўйича "Амир Темур" кубоғи учун халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Халқаро турнир

Ушбу турнир "Сихат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида уюштирилляпти, — дейди терма жамоа бош мураббийси Фахриддин Умаров. — Унда Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, То-

«Жилнинг маҳалласи саришта?»

Наманганда бу савола жорий йилнинг май ойида яқунлашадиган кўрик-ташловда жавоб топилади. «Сихат-саломатлик йили» дастури доирасида ташкил этилган ушбу кўрик-ташловда вилоятдаги етти юзга яқин ўзини-ўзи бошқариш идоралари иштирок этмоқда. Улар олдига ҳудуднинг санитария-экологик ҳолатини яхшилаш, ҳовли ва кўчаларни ободонлаштириш, сузурлар барпо этиши билан бирга маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш сингари ишлар қўйилган. Ҳойиларни қимматбаҳо соғалар кўтмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор аёллар мулоқоти

Жиззахда республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази томонидан уюштирилган ўқув-семинар «Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» мавзусига бағишланди. Икки кун давом этган тадбирда вилоятдаги тадбиркор аёлларнинг билим ва малакаларини оширишга қаратилган маърузалар ўқилди. Ҳазор тажриба алмашинлар, савол-жавоблар уюштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тарраққийтида хотин-қизларнинг ўрни борасидаги давра суҳбати мунозараларга бой бўлди. Ўқув-семинар пайтида тадбиркор аёллар соҳага оид энг сўнги ҳужжатлар билан ҳам таништирилди.

Баҳриддин САТТОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Жаҳон 24 соат ичида

Энергия

тақчиллиги камаяди

Расмий Пекин мамлакатда яқин 15 йил давомида 40 та атом реактори қуришни режалаштириляётганини маълум қилди. Хитойда саноатнинг изчил ривожланиб бориши мамлакатда энергетика тақчиллигини келтириб чиқармоқда. Ҳукумат мазкур тақчилликни бартараф этиш мақсадида ядро энергетикасини ривожлантиришга катта аҳамият қаратиб келаяпти. Таҳминларга қараганда, агар дастур муваффақиятли удаланса, Хитой нефть импортини сезиларли даражада камайтиради.

Ироқнинг

янги президентни

Ироқ парламенти депутатлари мамлакат президентини сайладилар. Мазкур лавозимни «Курдистон ватанпарварлар иттифоқи» етакчиси Жалол Талабани эгаллайдиган бўлди. Одил Абдул-Маҳди ва Ҳазӣ Яверлар президент ўринбосарлари этиб сайланди. Мазкур сиёсатчилар жорий йил декабрь ойига қадар ушбу лавозимларда ишлайдилар. Сабаби, де-

кабрь ойида янги парламент сайловлари ўтказилиши кутиляпти.

Вертолёт ҳалокати

Афғонистон жануби-шарқиде АҚШ курулти кучларига қаршли вертолёт ҳалокатга учради. АҚШ ҳарбийларининг билдиришича, вертолёт бортидаги 16 нафар аскарнинг барчаси қурбон бўлган. Таҳмин қилинишича, мазкур вертолёт ноқулай об-ҳаво шароити туфайли кулаб тушган.

Автобус қатнови тикланди

Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди. Бу автобуслар Ҳиндистоннинг Сринагар ва Покистоннинг Музаффаробод шаҳрларини боғлайди. Қашмир можароси туфайли бу йўналишда автобуслар қатнови бундан бир неча йил олдин тўхтаб қолганди. Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх мазкур воқеани тинчлик йўлидаги янги қадам дея баҳолады.



Янгича ёндашув — давр талаби

Хаётиимизда бозор иқтисодиёти қоидалари кенг татбиқ этилиши натижасида бошқарувнинг самарали, эркин ва инсон манфаатларига хизмат қилувчи шакллари тобора тўлароқ намойён бўлмоқда. Мамлакатимиз Президентини Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашганда қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар зарурати хусусида тўғталаркан, фермерлар ҳаракатини ривожлантириш асосий мақсадимиз эканлигини таъкидлаб, «Эски колхоз ва совхозларнинг даври аллақачон ўтиб бўлганидек, бугунги ширкатларнинг ҳам даври ўтиб бормоқда», — деди.


Айниқса, жамоа мулк бўлган барча нарсалар — иморатлар, техника воситалари сотиб юборилгани, ерлар талон-торож қилинаётгани — ширкат ҳўжалигининг истикболсизлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ерларни фермерларга тақсимлаб беришда ташкилий-ҳўжалик, молиявий муносабатларнинг пухта ечимини топиш керак, деган фикрдаман. Жамоа ҳўжаликлари тузилгандан бошлаб ўтган даврда улар қишлоқда инфратузилмани ривожланти-

мас, бу ишларнинг ҳаммаси бевосита қишлоқда ечилади. Буни яна собиқ колхоз бўлади, деб ўйламаслик керак, аксинча, ҳозир дехқонга ҳар қуни ҳар бир иш бўйича топшириқ бериб, бажаролмас жазолаб турган ҳокимият ва қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси ёнига яна битта ташкилот қўшилишидан сакланиш керак. Маълумотларни жамлаш учун эса статистика бошқармаси етарли, деб ҳисоблайман. Эгаси топилган фермер

вожлантириш, маънавиятни юксалтириш учун сарфлайди. Бошқарув аъзоларига камида икки ойда бир марта, уюшма аъзоларига бир йилда икки марта ҳисоб бериб боради. Ягона ҳисоб маркази. Ҳозирги фермерларнинг бухгалтерияси битта мажмуага кирувчи, керак бўлганда кўчма бухгалтерия ҳисобланади. Бухгалтерлар эса қайсидир ташкилотдан ёлланган кадрлар ҳисобланади. Буни марказлаштириб, компьютерлаштириш керак.

кафолатлаб қўйиш керак бўлади. Агрохизмат ва МТП ширкати. Ҳўжаликлар фермерларга тўлиқ бўлиб берилгандан кейин урулгик чигитни, галлани, минерал ўғитларни ва ёнилги-мойлаш материалларини сақлаб туриш учун барча талабларга жавоб берадиган маҳсус омборхоналар бўлиши талаб этилади. Буни ҳар бир фермер олоҳида-алоҳида уқдалай олмайдми. Шунинг учун ҳозирги ширкат ҳўжаликлари омборхоналаридан марказлаштириб фойдаланишни агрохизмат ва МТП ширкати зиммасига оқлаш зарур. Фермерлар ўзларининг шахсий ҳайдов ва чопиқ тракторларига эга бўладилар. Ҳўжалик МТПси таъмирлаш ва таъминот-сервис хизматига айланиши керак. Унинг банкда ўз ҳисоб рақами, муҳри бўлиши, агрохизмат билан бирга алоҳида сервис хизмати бўлиб қолиши шарт. Фермерлар уюшмасининг раиси ким бўлади? У уюшма таркибидидаги барча хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириб, фермернинг бирор-бир молиявий ишларига аралашмаслиги лозим. Уюшма таркибидидаги ширкатларнинг даромадидан келишилган суммани олиб, ўзининг мустакил иқтисодий базасини яратадиган, шу маблағлар ҳисобидан қўшимча иш жойлари ташкил қиладиган, қишлоқда инфратузилмани ривожлантирадиган, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш учун вақт ҳам, маблағ ҳам топадиган, макъоли бандан, қишлоқда ҳамма тан оладиган, умуман, ислохотлар байроқдори бўлган киши унинг раҳбари бўлиб қолади, деб ҳисоблайман.

ФАН ВА МАДАНИЯТ хабарлари



Хива Бутунжаҳон ахборот тармоғида

Хива шаҳрининг тарихий обидаларига бағишланган алоҳида веб-сайт ташкил этилди. У Тошкент давлат техника университетининг компьютер технология факультетининг томонидан амалга оширилди. Мазкур изланиш кўҳна шаҳардаги гўзал меъморий ёдгорликларнинг интернет тармоғида ишлайдиган маълумотлар базасини яратиш мақсадида юзага келди. Ўзбекистон томони шунданки, ушбу веб-сайт бир гуруҳ истетодли магистрантларнинг изланишлари самарасидир.

Қаҳрамон адиб билан учрашув

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ҳаққон журналистика факультетининг Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли қорақалпоқ ёзувчиси Тўлелбергел Қаипбергелов билан учрашув бўлиб ўтди. Маълумки адибнинг «Маманбий афсонаси», «Бахт-сизлар», «Гумроҳлар» ва бошқа бир қатор асарлари нафақат қорақалпоқ, балки ўзбек китобхоналарининг ҳам севилими асарларига айлиб қолган. Т. Қаипбергелов ижодида афсоналар, халқ моталлари, эртагу достонлар кенг ўрин тутди. Учрашувда адибнинг сўнги йилларда яратган «Қорақалпоқнома» роман-эссеси ҳам ана шуларнинг ўзаро уйғунлиги билан йўрилганлиги алоҳида таъкидланди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов адибнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапириб берди.

Талабаларга сертификатлар

Ушбу йилда, мамлакатимизда Япониянинг «Сумитомо корпорейшн» фирмаси саҳобатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги энг йирик савдо-саноат корпорациялари қаторидан ўрин олган ушбу нуфузли ташкилот ҳозирга қадар пойтахтимиздаги бир қатор ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатди. Ўзбекистон Миллий университетининг Тошкент давлат техника университетларининг бир қатор иқтидорли талабалари фирманинг маҳсус стипендияларини олаша сазовор бўлди. Яқинда халқаро фирма бу йилги стипендиатларни аниқлаб, уларга сертификатлар топширди.

Қалбларга гўзаллик улашиб

Адибонинг ижодкорлар томонидан вилоят ўлкашунослик музейида ташкил этилган кўргазма ана шундай номланди. Унда ўлтмиз-дан ортқи тасвирий ва амалий санъат усталарининг 120 дан зиёд турли мавзулардаги асарлари намойиш этилди. Айниқса, ёш иқтидорли мусавир Нурматжон Шариповнинг «Чархпалак», «Севги тори», табиат куйчиси Обиджон Бакировнинг «Арсонбобда баҳор», «Настарин», «Шоҳимардон» сингари асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, кўргазмадан Низомиддин Холиқов, Улубек Болтабев, Мурод Умар сингари мусавирларнинг ҳам энг сара асарлари ўрин олган.

Соҳибқирон стипендиатлари

Халқаро Амир Темури жамғармаси томонидан эълон қилинган Соҳибқирон бобомиз номи билан аталувчи таллов якунида, бу йилги талловнинг ўтган йиллардагидан фарқи шундаки, ташкилотчилар ҳар бир вазирликка қарашли олий ўқув юртлари талабалари учун алоҳида ўринлар белгилаган. Соҳибқирон стипендиатлари орасида Тошкент давлат санъат институтининг санъатшунослик ва журналистика бўлими талабалари Қозим Саъдуллаев ва Хафиза Раҳмоновлар ҳам бор.

Барқарор экоривожланиш йўлида

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг «Ўзбекистон — Германия барқарор экоривожланиш йўлида» мавзусида йилги бўлиб ўтди. Унда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси жаноб Ханс-Йоахим Кидерлен, эколог олимлар, «ЭКОСАН» Тошкент клуби, бир қатор вазирлик ва идоралардан вакиллар қатнашди. Учрашувда сўзга чиққан элчи жаноблари икки давлат ўртасида ҳамкорлик жадал ривожланаётганлигини таъкидлади. Бундан ташқари, саноат чиқинди диларини қайта ишлаш ва зарарсизлантириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, экотуризмни ривожлантириш бўйича янги режалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда молиявий кўмак бериш ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Хабарларни «Халқ сўзи» муҳбири М. ХОЛМАТОВА ва ЎЗДЖТУ талабаси Қ. ХИДИРОВ тайёрлади.

ФЕРМЕРЛАР — ИСЛОХОТ БАЙРОҚДОРЛАРИ

Ҳўш, қандай қилсақ қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар жадаллашади? Бу савол бугун нафақат соҳа мутасаддиларини, балки бутун жамиятнинг уйлантиряпти, десам, муболага бўлмас. Бун онгли ҳаётим ана шу соҳада ўтганлиги учун, қишлоқ ҳўжалигининг тараққиёти эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли кўп йиллар давомида менга тинчлик бермаётган, лекин баъзи бир истиҳола билан айтишга журъат қилолмай келаятган мулоҳаза ва тақлифларимни билдирмоқчиман. Бугун қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотларнинг талаби бозор иқтисодиётига мослашган, хусусий мулкка, эркин меҳнатта, ташаббусга, моддий манфаатдорликка мос келадиган базис ва қабул қилинган қонунлар асосида фаолият кўрсатадиган, ўзаро шартномалар асосида иш олиб борадиган ҳўжаликларни ташкил этишдир. Қишлоқ ҳўжалик кооператив-ширкат ҳўжалиги шу талабларга жавоб берадими, у собиқ жамоа ҳўжаликларида нимаси билан фарқ қиладми? Менинг назаримда, ҳамон изаки тасавурулар исқанжасидан кутулиш қийин кечмоқда. Ўзингиз айтинг: шатлар

жадвали ўзгартирилиб, амалда эскича шакллар сақланиб қолган бўлса, бўлинмас фондлар, айланма маблағлар таркиби, уларни шакллантириш қолхоз давридагидан фарқ қилмас, машина-трактор парки, агрохизмат ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасидаги муносабат ўзгармас (ҳаражат лимит чеклари бу муносабатларнинг бир унсори, холос), иш юритишда маъмурий-буйруқбозлик услуби давом этаверса, ҳўжаликларга юқоридан тўғри-нотўғри курсатмалар, зўғумлар ўқазиб сақланиб қолган бўлса, мутахассислар ва бригадирлар (гарчи бригадирлар шатлар жадалида бўлиш-маса ҳам) ишни ташкил қилиш бўйича кундалик топшириқларни раисдан олиб туришса, яна қандай ўзгариш рўй бериши мумкин?

ришда, ўз аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишда асосий қафолатчи бўлиб келган. Буни ҳисобга олмай бўлмайди. Албатта, мактаб, маориф, боғчалар тўлиқ бюджет ҳисобига ўқазилди. Лекин қишлоқ йўллари, газ, сув тармоқлари яқинда ҳисобга олиб қилинмади. Буларнинг ҳаммасини иш ҳолатида сақлашни бюджет елкасига ортсақ, яна боқимандаликка бориб қоламиз. Мана шулардан келиб чиқиб, фермер ҳўжаликлари уюшмасини туман марказида эмас, қишлоқда — 2000-2500 гектар суғориладиган ерни қамраб оладиган ҳудудда ташкил қилиш лозим, деб ҳисоблайман. Бунга ҳозирги фуқаролар йиғинлари ҳудудлари мос келадми. Фермерларнинг туман уюшмалари ер, сув, ўғит, техника таъминотида ҳеч қандай ваколатта эга

ҳўжалигига иш ўргатадиган ҳеч ким керак эмас. Фақат уларга ёрдам қилиб, фаолиятини назорат қилиб турувчи тизимни яратиш керак. Умуман, қишлоқ ҳўжалигида ягона, яхлит тизим бўлганига кўнгидаги натижаларга мунтазам эришса бўлади. Мен бу тизимнинг асоси-қўйи босқичини қўйидагига тасавур қиламан: Фермер ҳўжаликлари уюшмаси — уюшма раиси, ягона ҳисоб маркази бошлиғи ва фермерлардан иборат бўлади. Уюшма низомида белгилаб қўйилган миқдордаги жамғарма тўндирилишини таъминлайдиган маблағни ялли даромад улушини (масалан, 5-6 фоиз атрофида) уюшманинг ҳисоб рақамига тушириб бериш механизми яратилиши керак. Уюшма раиси ўз ҳисоб рақамига тушган маблағдан ободончилик, инфратузилмани ри-

Фермер бошланғич маълумотларни ягона ҳисоб марказига келтириб бериши ва бу ерда улар компьютерларга жойлаштирилиши керак. Ягона ҳисоб маркази бошлиғи фермернинг талабномаси билан унинг тасарруфидидаги маблағдан керакли сервис ташкилотларига маблағ ўқазиб бериши, солиқларнинг ўз вақтида тўлаб борилишини таъминлаши лозим. Бу ҳисоб маркази келгусида банкларнинг ҳўжалиқдаги бўлинмасига айланишига ва бизнес-режанинг бажарилиши қафолатларини йил давомида назорат қилиб туриш имконияти яратилишига ишонаман. Ягона ҳисоб маркази — марказ бошлиғи ва унинг 2 та ёрдамчисидан иборат бўлса, кифоя. Фермерларнинг молиявий фаолиятига бирор-бир ваколатсиз ташкилот арамлашмаслигини қонун билан

Анжуман

Бугунги кунда Ер юзида соғлиқни сақлаш, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Она ва бола саломатлигига эътибор

Кеча Миллий матбуот марказида Жаҳон саломатлик кунига бағишланган анжуманда ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё аҳлини она ва бола соғлиқини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратишга чақираётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда фуқаролар, айниқса, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Тадбирда ана шу йўналиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон халқаро ташкилотлар, хусусан, ЖССТ, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси, Жаҳон банки, Осие Тараққиёт банки билан фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишда яқиндан ҳамкорлик қилаётгани ҳақида сўз юритилди. Анжуманда сўзга чиққан халқаро ташкилотлар вакиллари Ўзбекистонда она ва бола эъзозда эканини, Сиҳат-саломатлик йилида бу масала атрофида ўрганилаётганини эътироф этидилар. Шунингдек, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарурлиги ҳақида сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЖССТнинг Европа ҳудудий бўлими томонидан ташкил қилинди. Салги ДОНИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Пахтакор туманидаги «Эҳсон» фермер ҳўжалигининг 66 гектар ер майдони бўлиб, ҳар йили пахта ва галладан мўл ҳосил этиштирилади. Утган йили ҳам барча соҳалар бўйича шартнома режалари ортиги билан бажазилгани боис 9 миллион сўм соф фойда олинди. Жамоа иқтисодиёти мустақамланиб бораётганлиги туфайли бултур иккита трактор сотиб олди. Фермер ҳўжалиги раҳбари Назира Мамаражимова яқинда хорижда бўлиб, ҳамкасбларининг иш тажрибаси билан танишиди ва катта таассурот билан қайтди.

СУРАТДА: фермер Назира Мамаражимова. Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Ўзгача Шарқ

Германияда нашр этиладиган «Drztliches Journal» журналида Ўзбекистонга бағишланган «Ўзгача Шарқ» сарлавҳали мақола эълон қилинди

«Ўзбекистон 1991 йилдан буён мустакил давлат сифатида бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик фуқаролик жамияти сари дадил бормоқда. Унинг кўҳна Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимги асори-атиқалари ҳамон барчани ўзига мафтун қилиб келмоқда», деб бошланади Карстен Хайнкенинг мазкур мақоласи. Немис журналисти дастлаб пойтахт Тошкент, унинг тарихи ва сўнги йилларда шаҳарда амалга оширила-

ётган бунёдкорлик ишларига тўхталиб, уларга таъриф беради. Бугунги кунда Тошкентни дунёнинг турли шаҳарлари билан ҳаво йўллари боғлаб тургани, масалан, Франкфурт Майн шаҳрига тўғридан-тўғри авиалайнерлар қатнови йўлга қўйилганини айтиди. Пойтахтимиздаги Амир Темури майдони, Алишер Навоий боғи ҳамда замонавий тусда бунёд этилган осмонубор иншоотларни санаб ўтиш билан бир қаторда, буюк саркарда Амир Темури

унинг ўғли Шоҳруҳ ва набираси Улуғбек замоналарида турғисида фан ва маданият гуллаб яшанганини эътироф этади. Серкүеўш ўлкаимизнинг сайёҳлик салоҳияти, қадимий улардаги маълумотлар мақола марказидан жой олган. Муаллиф сайёҳлар учун барча имкониятларга эга бўлган замонавий меҳмонхона ва бозорлар, лаззатли ўзбек таомлари ҳақида

Тадқиқотчи изланувчан бўлса

Республика Олий аттестация комиссиясида бўлиб ўтган йилги илмий асосий эътибор юридик фанлар бўйича илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг аҳоли, уларнинг сифатини яхшилаш, илмий излашлар натижаларининг амалиётга татбиқ этилишига қаратилди. Йилги илмий асосий эътибор юридик фанлар бўйича фаолият кўрсатаётган иختисослашган кенгашларда бу жараёни мавзулар нуктаи назаридан таҳлил қилиш лозим.

Аmmo диссертацияларда мавзунинг долзарблиғи ва ишланганлик даражасини илмий асослашда юзакчиликка йўл қўйилмоқда, манбалар қийёи таҳлил этилмапти, уларга тадқиқотчининг муносабати маҳумлигига қолмоқда, кўп ҳолларда ишнинг илмий янгиликлари ишонарли асосланмапти. Фақатгина олимларнинг номини келтириш орқали ёки уларнинг фикрларини бериш билан ишнинг долзарблиғини белгилаб бўлмайди. Ҳар бир қилинган иш ва

айтилган фикрга нисбатан тадқиқотчининг шахсий муносабати бўлмас экан, бу ишнинг долзарблиғи таъминланмайдми. Худди шундай фикрларни ҳулоса ва тавсияларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Айрим диссертациялардаги ҳулосаларни ўқиб, уни янги бир илмий ҳулоса сифатида қабул қилиш қийин. Диссертация ишларини илмий семинарларда, дастлабки экспертиза ҳамда иختисослашган кенгашлардаги ҳимоя жараёнида ҳолис ва атрофида муҳокама этилишига алоҳида эътибор бериш жоиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим семинар баённомаларида фақатгина исм ва фамилиялар ўзгарган ҳолда бир хил фикрлар, ўқаш мулоҳазалар учрамоқда. Йилги илмий семинарларда, иختисослашган кенгаш ва унинг аъзолари фаоллиги ҳақида фикрлар билдирилди. Баъзи ҳолларда фаолиқ етишмаётганлиги, ҳимояларда танқидий руҳнинг йўқлиги алоҳида қайд қилинди.

Махлисида юридик фанлар докторлари М. Рустамбаев, Б. Қосимов, Х. Одилқориевлар ҳуқуқшунослик фанининг бугунги аҳоли, муаммолари, унинг ечимини олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг савияси, ютуқ ва камчиликлари тўғрисида маъруза қилдилар. Н. МАЖИДОВ, ОАК маъсул ходими.

тарихга эғалиги, ЮНЕСКОнинг дунё маданият мероси рўйхати-га киритилганини эътироф этар экан, мустакиллик йилларида бу ерда қадимий обидаларни тиклаш ва сақлаб қолиш борасида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилаётганини хабар қиладми. Асл қиёфасини сақлаб қолган шаҳарнинг таровати, бозорлари ва чойхоналарида ҳўкм сураётган шарқона самимият ва гўзалликдан завқланган муаллиф ўқувчига Бухорони Ўзбекистоннинг «Минг бир кеча» эртақлари руҳи билан яшаётган гўзал шаҳри дея таништирган.

Бахриддин АСЛАНОВ. «Жаҳон» АА. Берлин шаҳри.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, "Зарафшон-Ньюмонт" ўзбек-америка қўшма корхонаси, "Навоийазот" ва "Қизилқумцемент" бирлашмалари, "Электрхимзавод" қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз санатининг фахри саналади.

Ислом КАРИМОВ.



Машинамиз Қизилқум саҳроси бўйлаб елдек учиб борарди. Бироз вақт ўтган, худди эртақларда тасвирланганидек, куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бу чўл ўртасида қадим минораларни эслатувчи қувурлар кўринди. Улар «Қизилқумцемент»нинг қувурлари эди.

Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида изчил амалга оширилаётган ишлорларнинг самарасида, табиийки, ҳар бир жамоанинг алоҳида ўрни бор, албатта. Айни пайтда республикамизда цемент ишлаб чиқарувчи 5 та корхона бўлиб, улар орасида "Қизилқумцемент" очик акциядорлик жамияти қуруқ усулда маҳсулот тайёрловчи ягона корхона ҳисобланади. Унинг қурилиши ўтган асрнинг 70-йилларида бориб тақалса-да, лойиҳа қуввати бир кеча-кундузда 3 минг тонна клинкер ишлаб чиқаришга эга бўлган биринчи навбати 1977 йили фойдаланишга топширилган. Бугун акциядорлик жамиятида ана шундай учта технологик тармоқ фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарилаётган цемент ҳажми йилдан-йилга ошиб борапти. Масалан, ўтган йили 2 миллион 325,8 минг тонна сифатли маҳсулот тайёрланган бўлиб, бу республикамизда ишлаб чиқарилган жами цементнинг 48,4 фозини ташкил қилади.



Айниқса, маҳаллийлаштириш дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Масалан, маҳаллий хомашё ҳисобланган туффитни қуйдириш йўли билан аввал ички ва ташқи бозорга маҳсулот жўнатишни кўпайтириш мақсадида цементни корхонанинг ўзида қадоқлаш муаммоси вужудга келганди. Бу муаммо мутахассислар томонидан тезликда ҳал этилди. Шунингдек, уч йил илгари жамиятнинг ўтга чидамли гиштларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳаллий ва иккиламчи хомашёдан ана шундай гиштлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Бундан ташқари, бетон қорималари тайёрлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада ўтган йили 6 миллиард 203 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Имкониятлардан оқилона фойдаланилиб, ҳар бир ишланма ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Масалан, бундан икки йил муқаддам оҳақ тош қарьерларининг устки қатламида йиғилиб қолган тошлардан фойдаланиш учун иккинчи қақик тош (шчебень) тайёрловчи технологик тармоқ фойдаланишга топширилди. Бу маҳсулотлар янги йўллар қуриш учун, айниқса, қўл келмоқда. Бундан ташқари механик таъмирлаш ишларини бажаришда зарур бўлган кислород тўлдириш шохобчаси ҳам қурилди.

Хабарингиз бор, акциядорлик жамияти XX асрнинг охириларида оғир иқтисодий таназулдан юз тутган эди. Россия, Қозоғистондан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган компонентлар, Чехия, Словакия ва бошқа хорижий давлатлардан бутловчи қисмларнинг вақтида олиб келинмаслиги бунга сабаб бўлганди. Жамоанинг саъй-ҳаракати, аҳиллиги туфайли маҳаллийлаштириш дастури асосида юртимиздаги хомашёдан унумли фойдаланилганлиги, кўпгина эҳтиёт қисмларнинг шу ерда тайёрлаш йўлга

қўйилганлиги ўз самарасини берди. Натижада ҳозир ҳар йили ушбу мақсадлар учун сарфланадиган 600 миллион сўм маблағ тежалаяпти. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг автоматлаштирилиши, барча цехлар ва бўлимларнинг компьютерлаштирилиши туфайли йилига бир неча юз минг АҚШ долларлари иқтисод қилинмоқда.

Айни пайтда акциядорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати, мустаҳкамлиги нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам мутахассислар томонидан эътироф этиляпти. Чет мамлакатлардаги кўплаб нуфузли компаниялар бошқа

ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беряпти.

Корхонада экология масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, ушбу мақсад учун катта маблағ сарфланаёттир. Пировардида ташқарига чиқаётган тўтун ва газлар миқдори тобора камайяпти. Замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланган айланма печларда ёқилгининг тўлиқ ёнишини назорат қиладиган газоанизаторлар, совутиш ва намлагич миноралари учун юқори босимли сув насослари ўрнатилди. Шунингдек, тасмали конвейерларга ва бошқа чанг ҳосил бўладиган жойларга сув пуркагичлар

гик жараёни автоматик бошқариш, уй-жойлардан фойдаланиш ва руҳсатномалар бюроси бўлимлари, қурилиш таъмирлаш бошқармаси голиб бўлдилар. Бундай мусобака ишчиларнинг манфаатдорлигини ошириб, уларни янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

— Янги техникаларни олиб келиш ва технологияларни жорий этиш муваффақиятларимиз омилли бўлмоқда, — дейди акциядорлик жамияти бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ражабали Жуманиезов. — Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам давом этирилади. Шунингдек, барча масалалар баҳамжиҳатликда ечилаёт-

ни ишга олиб келиб, уйларига элтиб кўяди. Жорий йил Президентимиз томонидан «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят худудидан ўтган «Дамхўжа — Бухоро» катта магистраль сув қувуридан корхонага тоза ичимлик суви келтирилди. Шунингдек, ҳар йили ишчи-хизматчилар бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. 100 ўринга эга бўлган профилактика торийда жамият аъзолари график асосида ўз саломатликларини тиклашаёпти. Шу билан бирга, республикамиздаги нуфузли санаторийлар ва марказий шифохоналар билан шартномалар тузилган бўлиб, ишчиларнинг меҳнат таътили пайтида у ерларга бориб даволаниши йўлга қўйилган.

Корхонада кўкаламзорлаштириш ва турли хил боғлар барпо этиш ҳам диққат марказида турибди. Ҳар бир цехнинг майдонида манзарали ва мевали кўчатлар экилган бўлиб, боғлар йилдан-йилга кенгайтириб бориляпти. Режа асосида ўтказилган, жамият ҳовлисига кўрк бериб турган боғларни кўриб, киши ўзини гўё сўлим санаторийларда юргандай ҳис қилади. Бундай ибратли ишлар республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда ҳам эътироф этилмоқда. Ўтган йили республикамизда «Экосан» халқаро жамгармаси томонидан уюшти-

«Қизилқумцемент»:


ПЕШҚАДАМЛАР ПЕШҚАДАМИ

давлатларниқидан кўра, мазкур корхонанинг цементини маъқул кўришаётганлиги фикримизнинг далилидир. Европадаги Халқаро саралаш кўмитасининг XVII халқаро конвенцияси жаҳондаги обрўли компания ва экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликдаги қарорига кўра, «Қизилқумцемент» жамияти маҳсулотлари Мадриддаги WOK совриниға тавсия этилди. Кейинчалик худди шундай совринлар Лондон ва Пекин шаҳарларида ҳам қўлга киритилди.

Бугун корхонада тайёрланаётган турли цемент маҳсулотлари ўта сифатли

қўйилди. Мавжуд филтрлар ва электрофилтрларнинг барчаси реконструкция қилиниши ва капитал таъмирдан чиқарилиши натижасида кейинги беш йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётганига қарамасдан, атроф-муҳитга чиқаётган чангнинг миқдорини меъёрдан 3,12 марта камайишига эришилди.

Белгиланган режалар ортиги билан бажарилаётганлиги, маҳсулотга бўлган талаб ўсиб бораётганлиги сабабли, корхона иқтисодиёти мустаҳкамланиб борапти. Буни ишчиларга маош ва мукофот пуллари ўз вақтида берила-



бўлганлиги боис хорижда ҳам уларга бўлган талаб ортиб борапти. Буни экспорт миқдори ҳам ортмоқда. Масалан, ўтган йили ҳар бир ишчининг ўртача ойлиги 238 минг сўмга тенг бўлди. 2003 йил якулирига кўра, ҳар бир акция учун 555 сўм тўланди. Жамоадаги шарт-шароит, ишчиларга яратилган қулайликларни кўриб, кишининг ҳаваси келади. Бундай шарт-шароит мамлакатимиздаги камдан-кам корхонада мавжуд, десак янглишмаймиз.

Акциядорлик жамиятида соғлом муҳит яратилган бўлиб, йилига икки марта цех ва бўлимлар ўртасида ўзаро мусобақа ўтказилади. Унда меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, режани бажариш, экологияга аҳамият бериш, ускуна ва асбобларнинг таъмири, маънавият ва маърифат масаласи, жамоа мулкига кўз олайтирмаслик шартлари қўйилган. Ҳайъат аъзолари томонидан ушбу шартларни бажарган жамоага бепул битта енгил автомашина ва 6 миллион сўм пул берилди.

Ўтган йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида мусобақа якунланди. Унда автокорхона, техноло-

ганлиги, кадрларни жой-жойга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис кўрсаткичлар яхшиланиб борапти. Хали режаларимиз кўп. Мақсадимиз саҳро бағрида яратилган шарт-шароити жиҳатидан катта шаҳарлардан талаблари қилишмайдиган замонавий корхона бунёд этишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатли бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш борасида ҳам акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини беряпти. Яқинда экспорт салоҳиятини янада оширганлиги, харидорларнинг талаблари даражасида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги учун жамиятда ИСО 9001:2000 халқаро стандарт асосида сифат менежменти тизими жорий этилиб, сертификат берилди. Мазкур ҳужжат Германиядаги «TUV CERT» халқаро сертификатловчи компания томонидан корхона раҳбарига таъминлаш ва уни доимий равишда таҳлил қилиб боришни талаб қилади. Шу билан бирга, бу жамият олдидаги вазифаларни бажариш ва миқдорларнинг эҳтиёжи асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга катта имконият яратди.

Корхона маъмурияти ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бериб келяпти. Жамиятнинг автобуслари одамлар-

рилган «Экофестиваль — 2004» тадбирида «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида бу борада амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди ва жамоа биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди. 2001-2003 йилларда ҳам корхонага мазкур жамгарманинг дипломлари берилганди.

Марказий Осиёда энг йирик ана шу цемент ишлаб чиқарувчи корхона жамоаси қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, келажак сари дадил қадам ташламоқда. Ҳозирда ички бозорда унинг улуши 66 фозини ташкил қилган бўлса, келгусида бу кўрсаткичини янада ошириш, экспорт миқдорини ва жаҳон бозорига чиқарилаётган маҳсулотлари турларини кўпайтириш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун хомашё олинмадиган мавжуд қарьерлардан унумли фойдаланиш, уларнинг янгиликларини ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, турли қувватдаги электр моторлари, уларнинг роторлари ва йирик ҳажмидаги тўтун сўриб олувчи вентиляторларни таъмирлаш бўйича кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш юзасидан ҳам изчил иш олиб бориляпти.

Бир сўз билан айтганда, «Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамияти замонавий янги технологияларни жорий этиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва жамоанинг фидокорона меҳнати эвазига барқарор ривожланиш йўлидан бориб, нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам катта обрўга эга бўляпти. Корхона томонидан четга экспорт қилинаётган маҳсулотлардаги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрликлар эса мамлакатимиз шўҳратини жаҳонга ёймоқда.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



UZDUNROBITA
first cellular

GSM

ROBITA

ХИЗМАТ РЕЖАСИ

• Абонент тўлови - \$5

• Кирувчи алоқа:
Уздунробита абонентлари телефонларидан - БЕПУЛ
бошқа телефонлардан - \$0.08 бир дақиқа учун

• Чиқувчи алоқа:
Уздунробита абонентлари телефонларига - \$0.05 бир дақиқа учун
бошқа телефонларга - \$0.10 бир дақиқа учун
3 севимли рақамга - \$0.05 бир дақиқа учун

• Уланишда:
олдидан тўлов - \$15
SIM картани дастурлаштириш - БЕПУЛ
рақамни танлаш - БЕПУЛ

Нархларга барча солиқлар киритилган

Доимий тараққиётга қўшилиш!

"E-Plus" (Германия), "Voyages Telecom" (Франция), "Comesal" (Эквадор), "PTML Ufone" (Покистон), "Elisa" (Эстония), "Astelit" (Украина)
компаниялари тармоқларида халқаро роуминг ишга тушди.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензияланган

HYUNDAI
"Dong Nam Motors Co. Ltd."
Hyundai Motor Companyнинг расмий дистрибьютори



Tucson

Sonata

Santa Fe

Манзил: Тошкент ш., Афросиёб шоҳ кўчаси, 8
Тел. (998 71) 152-17-24, факс 152-17-25
E-mail: kvdongnam@mail.ru, lvdongnam@mail.ru, tvdongnam@mail.ru

Махсулот сертификатлаштирилиши лозим

БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗ КУНЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахсларга омонатларнинг қуйидаги янги турларини таклиф этади:

"ЁШЛИК" (сақлаш муддати — 1 йил) — йилига **27,2%**

- 18 дан 35 ёшгача бўлган шахслар номига очилади;
- ойлик бадаллар мунтазам равишда келиб тушган тақдирда омонат муддати тугаганидан сўнг мукофот ҳисоблаб ёзилади;

дастлабки бадал	50 000 сўм	100 000 сўм	150 000 сўм
кейинги ойлик бадаллар	50 000 сўм	100 000 сўм	150 000 сўм
мукофотни ҳисоблаб ёзиш	10 000 сўм	20 000 сўм	30 000 сўм

"ОМОНЛИК" (сақлаш муддати — 6 ой) — йилига **30,4%**

- дастлабки бадал суммаси 50 000 сўм
- ҳисобварақ очилаётган пайтда фоизларни олдидан олиш мумкин

шунингдек, қуйидаги омонатларга пул маблағларини қабул қилиш давом эттирилмоқда:

"ТАБИЛ" (сақлаш муддати — 3 ой) — йилига 28,8%
"КЕЛАЖАК" (сақлаш муддати — 5 йил) — йилига 32%
"СЎМ КАРТОЧКАСИ" (талаб қилиб олингунча) — йилига 24%
 (2005 йил 20.04дан бошлаб омонат бўйича — йилига 16%), талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилади.

Ўз омонатларини бошқаришни бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни маъсул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.uz

		O'ZLOTTO KUNDALIK							
		тушган рақамлар		28.03.05	29.03.05	30.03.05	31.03.05	01.03.05	02.04.05
кетма-кет тўғри топишган сонлар миқдори	Ютуқ (сўм)	Ютуқли ставкалар сони							
	4	200 000	2	0	2	3	6	3	
	3	2 000	87	61	109	55	66	76	
	2	200	1 261	1 054	1 087	937	1 028	930	
	1*	100	3 531	3 263	3 133	2 900	2 829	2 910	

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топишган сонлар

30-тиражнинг ҳисоботи		31-тиражнинг ҳисоботи		27-тиражнинг ҳисоботи	
Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 30 март		Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 2 апрель		Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 2 апрель	
Тушган шарҳлар номи ва катта-кичилиги: 30 17 16 1 23 12		Тушган шарҳлар номи ва катта-кичилиги: 15 28 11 24 25 7		Тушган шарҳлар номи ва катта-кичилиги: 3 13 18 28 15 5	

Уйналган ютуқлар:			
Ютуқ категорияси (сўм)	Ютуқ сони	Бир ставка ютуғи (сўм)	Ютуқ сони
6та тўғри топишган	34 884 092	0	0
5та тўғри топишган	209 561	5	41 912
4та тўғри топишган	314 342	224	1 403
3та тўғри топишган	523 904	2 234	234

Лотереянинг навбатдаги тиражи 2005 йил 6 апрель кунини ўтказилди

Тўқин ҳаёт сари! Лицензия №000001

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

Micros

CAS

Биз бугун жаҳонни ўлчаймиз

КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ

Хар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР

Товар сертификатланган

САВДО УЧУН
ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН
КРАНЛАР УЧУН
ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН
МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ
ОМБОРХОНА УЧУН
АВТОМОБИЛЬ ВА
ТЕМИР ЙЎЛ ТАРОЗИСИ

e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz

700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а
Тел.: (371) 133-85-77, 120-88-61
132-06-61; факс: (371) 132-06-85

Мовароуннаҳр кўч, 19
Тел.: (371) 133-53-79

"Galla-Alteg" ОАЖ

МУҲИМ ФАКТЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА

Хабар тартиб рақами — 09

Умумий йиғилиш ўтказиш шакли — очик.
 Умумий йиғилиш ўтказиш санаси — 17.03.2005 й.
 Умумий йиғилиш ўтказилган манзил — Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уй.
 Умумий йиғилиш кворуми — 79,02 %.

Умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар:

- ОАЖ ижроия органининг 2004 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режанинг баҳариллиши ва 2005 йил режалари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва қониқарли деб топилсин.
- Йиллик бухгалтерлик баланси ва 2004 йил даромад ва камомадлари тасдиқлансин.
- ОАЖнинг 2004 йил натижалари бўйича аудитор текшируви ва тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.
- 2005 йилнинг 2-ярим йиллиги бўйича ҳар бир акция учун дивиденд миқдори 100 сўмдан белгилансин ва тўлаш тартиби тасдиқлансин. Дивидендлар тўлови белгиланган муддатларда амалга оширилсин.
- ОАЖнинг 2005 йил учун бизнес-режаси тасдиқлансин.
- 2005 йилга ОАЖ аудитори қилиб "Dunyo-Audit" аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва йиллик тўлов миқдори белгилансин.
- Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси бир йил муддатга узайтирилсин.
- Тафтиш комиссияси аъзолари сайлансин.
- Кузатув кенгашининг 2004 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва қониқарли деб баҳолансин.
- Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига чораклик моддий рағбатлантириш миқдори йиллик соф даромаддан келиб чиқиб белгилансин.
- ОАЖ низоми ва меъёрий ҳужжатларининг янги таҳрири тасдиқлансин.

Хабар тартиб рақами — 05

Қимматбаҳо қоғоз тури — оддий ва имтиёзли акциялар.
 Эмитент томонидан акциялар учун дивидендлар тўлаш бўйича қарор санаси — 2005 йил 17 март.
 Дивидендлар тўлови муддати — Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан.
 Акциялар учун дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилган орган — ОАЖ акциядорларининг умумий йиллик йиғилиши.
 Бир донга акция учун тўланадиган дивиденд миқдори — 100 сўм.
 Қимматбаҳо қоғозлар бўйича тўлов тури — пуллик тўлов асосида.

2004 ЙИЛ БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ			
№	Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив
1.	Асосий воситалар	1694517	
2.	Капитал қўйилмалар	112848	
3.	Узоқ муддатли инвестиция	33338	
4.	Ишлаб чиқариш захираси	5093149	
5.	Тайёр махсулот	168613	
6.	Товарлар	4305110	
7.	Пул маблағлари	561270	
8.	Бошқа дебиторлик қарзлари	4355754	
9.	Келгуси давр харажатлари	2069	
10.	Устав капитали		422950
11.	Тақсимланмаган фойда		355485
12.	Мақсадли тушум ва фойдалар		229596
13.	Резерв капитали		993521
14.	Қўшилган капитал		459
15.	Бюджет бўйича қарзлар		378610
16.	Бюджетдан ташқари қарзлар		357478
17.	Бошқа кредиторлик қарзлари		3781489
18.	Банк кредити		9807080
	БАЛАНС	16326668	16326668

Кузатув кенгаши.

Спорт

Ўзбек кураши Японияда



Ўзбек кураши ўз шиддати ва ҳалоллиги билан минглаб Япония полвонларини ўзига жалб этмоқда.

Бир неча йилдири, Япония кураш федерацияси ташаббуси билан мамлакат чемпионати ва кубок мусобақалари мунтазам ўтказиб келинапти.

Куни кеча Токиодан хушхабар олдик. Апрельнинг илк кунларида Ўзбек кураши бўйича кунчиқар мамлакатнинг энг кучли полвонлари иштирокида навбатдаги Япония кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда ўсмирлар ўртасида Хироаки Отсука, Каэзуо Сузуки, Тсуниро Йошино, катталар ўртасида эса Найоо Накано, Найоо Огасавара, Девжиро Накамура ва Йошики Такабелар ўз вазн тоифаларида голиблик шохсупасига кўтарилишди.

Португалиядаги муваффақият

Португалияда бадий гимнастика бўйича йилнинг нуфузли халқаро турнири якунланди.

Дунёнинг 31 мамлакатидан келган спортчилар иштирок этган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз ўзларининг нималарга қодир эканлигини намойиш этишди. Спорт усталлигига номзодлар ўртасидаги бахсларда Уляяна Трофимова иккинчи ўринни кўлга киритди. Жамила Раҳматова бешинчи ўрин билан кифояланди. Спорт усталари бахсларида Рита Алимова туртинчи ўринни эгаллади.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарши шахрининг 2700 йиллигига

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Қарши шахрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари»да Насафнинг дунё фани ва маданияти тарихида тугган ўрнини илмий тадқиқ ва тарғиб қилишга катта аҳамият берилган. Бу борада Насаф ва кешлик алломалар меросини ўрганиш илмий маркази амалга ошираётган ишлар ҳам ибратлидир. Мухбиримизнинг марказ раҳбари Шомурод ШАРОПОВ билан суҳбати ҳам ана шу мавзуда бўлди.

ИЛМИЙ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

— Журналистик касби тақозосига кўра вилоятимизнинг, шунингдек, кўшни Бухоро ва Сурхондарё вилоятларининг ҳамма туманларини айланиб чиққанман. Жуда кўп тарихий жойларни, зиёратгоҳларни суратга олганман, ривоятларни тўплаб, таҳлил қилганман. Шу асосда бир неча китоб ҳам ёздим. Маданий меросимизни ўрганиш, маънавий қадриятларимизни тиклаш юрагимдаги орзу эди. Мустақиллик туфайли бу орзум юзага чиқа бошладим. Шу марказни тузиш ҳақида тақлиф билан вилоят раҳбарларига чиқдим. Қўллаб-қувватлашди. Ишни бошлаб юбордик. Марказимиз жамоатчилик асосида ишлайди.

— Марказнинг илмий салоҳияти ҳақида тўхталсангиз.
— Марказимиз атрофиغا Насаф ва Кеш тарихи билан шугулланиб келаётган кўлаб тарихчилар, қадимшunosларни жаллаганмиз. Тошкент Ислон университети манбашunosлик кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Убайдулла Ува-

тов марказимизнинг бош маслаҳатчиси. Яқинда Қарши шаҳри яқинидаги Қовчин қишлоғида жойлашган Имом Мўйин ан-Насафий зиёратгоҳида қадимий ёзувлар тадқиқ қилиниб, шарқ маданияти ва ислом тарихида алоҳида аҳамиятга молик бўлган бошқа бир қанча алломаларнинг қабрлари аниқланди.

Хозиргача амалга оширилган тадқиқотлар Насаф теграсида ўтган алломаларни тарих қатларидан қидириб топиш ва улар ҳақида қисқача маълумот тўплашга йўналтирилган бўлса, хозирда барча ҳаракат уларнинг бой меросини ўрганишга қаратилмоқда. Бу иш, энг аввало, имом Мўйин ан-Насафийдан бошланади.

— Илмий ва ижодий фаолияти, ҳаёти Насаф билан боғлиқ бўлган, лекин Насафий номини олган алломалар ҳам кўп бўлган. Уларни топиш учун нима ишлар қилинапти?
— Тўғри. Насаф атрофидаги қишлоқлар номини нисбат қилиб олган алломалар ҳам кўп. VIII асрдан XX асргача Қар-

ши ҳудудида 182 авлиё яшаган, деган тарихий маълумотлар бор. XX аср бошида Имом Нурим томонидан битилган куйидаги байтларда шу фикр ифодаланган:

Бу Қарши хуш фазилатли, насими хуш хавоси бор.

Егибон кеча-кундуз устига нури худоси бор.

Бу Қарши мулкини, эй, сомеъа қилай таъриф.

Қилурлар тарбият юз саксон икки авлиёси бор.

Абу Туроб Нахшабий (VIII-IX аср), Мухаммад Нахшабий (IX-X аср), Абул Харас ал-Варсиний ан-Насафий (IX-X аср), Абул Мутиъ Макхул ан-Насафий (IX-X аср), Мухаммад Насафий (IX-X аср), Абу Усмон ан-Насафий (IX-X аср), Абул Хасан ал-Наздавий (XI аср), Абул Мўйин ан-Насафий (XI-XII аср)... Уларнинг ҳар бири ўзига хос қомусий алломадир.

— Қарши шахрининг 2700 йиллиги муносабати билан марказ фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлди?
Б. НОРҚОБИЛОВ.

— Энг аввало, шунга айтишим керакки, шахримизнинг 2700 йиллиги нишонлиниши биз учун катта байрам. Ўз тарихини билмаган халқнинг эса келажаги йўқ. Шунинг учун ҳам «Мозийга қайтиб иш кўриш хайридир», деган сўзлар ҳар биримизнинг юрагимиздан жой олган.

Энди марказимиз фаолиятига келсак, унинг атрофида уюшган манбашunos, тарихшunos, шарқшunos, исломшunos, этнограф олимлар, диний уламолар кучи билан олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш чораларини кўраямиз. Насафий алломаларнинг ҳаёти қадимги Мовароуннаҳр ва ҳатто Кичик Осиё, Яқин Шарқ билан ҳам боғлиқлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз ва хорижий давлатларга илмий сафарлар уюштириш режалаштираямиз. Хозиргача амалга оширган ишларимизда бизни «Қашқадарёавтоўл» бирлашмаси, «Автохизмат» очик ҳиссасдорлик жамияти, «Жейнов», Яхши Оминов номли ширкат хўжаликчиси, «Ковчин» савдо-ишлаб чиқариш хусусий корхонаси жамоалари маблағ билан қўллаб-қувватлашди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар академияси қўлғамалар институту, Тошкент Ислон университети, Тошкент Шарқшunosлик институти ва Қарши давлат университети ҳамкорлиқда ташкил этган илмий-амалий конференцияда Насаф тарихи ва насафий алломалар ҳақида қизгин мулоқот бўлди. Бундай анжуманлар мунтазам ўтказиб борилади.

ЛОК Kolor SINTEZ
Қушма корхонаси

лак-бўёқ маҳсулотлари,
ТИКУВ буюмлари ва
электродларнинг
кенг ассортиментини
ишлаб чиқарувчи

нархларнинг
мавсумий пасайтирилиши
ва чегирмаларни
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Ўз ҳаётингизни
РАНГ-БАРАНГ
қил!

Корхона Халқаро
Сифат Мукофоти
лойд топишган ва SPI
олтин медали билан
тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри - 700005, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-84 Факс: (998 71) 191-74-63
E-mail: lokcolor@rol.uz www.lokkolor.com

Вазирликлар, идоралар, олий ўқув юрталари раҳбарлари
ҳамда талаба-магистрантлар диққатига!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ**

талаба-магистрантлар ўртасида
2005-2006 ўқув йили Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Давлат стипендиялари учун
танлов ўтказилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон Қарори билан тасдиқланган.

«Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби»га мувофиқ куйидаги таълим йўналишлари бўйича ўтказилади:

- қишлоқ хўжалиги ва ирригация;
- техника ва информатика;
- тиббиёт, доришunosлик
- ва жисмоний тарбия;
- ижтимоий-гуманитар;
- физика-математика ва кимё-биология;
- иқтисодиёт;
- педагогика-психология;
- маданият ва санъат;
- чет тиллар;
- ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
- журналистика.

Вазирлик ва идоралардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига даъвогар талаба-магистрантларнинг ҳужжатларини марказ талабларига рия қилган ҳолда 1 нусхада тайёрлатиб, 2005 йил 1 июндан 30 июнгача Фан ва технологиялар марказига тақдим этиш сўралади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 62-ўй.

Телефонлар:
137-61-59, 137-61-78.

Кино ойлиғи

Пойтахтимиздаги «Кино музейи»да кино ойлиғи бошланди. Унда Исроил, Польша, Туркия кино ҳафталиги доирасида жаҳон киносининг 50 дан ортқ мумтоз ва замонавий дурдоналари ҳамда 10га яқин ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда.

Кино ойлиғи давомида АҚШ, Россия, Дания, Германия, Франция, Афғонистон, Жанубий Корея кино ижодкорлари томонидан ишланган «Қайтиш», «Блейд», «Саккиз аёл», сингари бадий фильмлар, «Женни ва Женни», «Мустафо Камол ҳақида» каби ҳужжатли фильмлар намой-

иши ҳам режалаштирилган. Бу тадбирдан кўзланган мақсад, дунё халқлари маданияти, урф-одатлари, яшаш тарзини халқимизга яқинроқ таништириш, инсонийликни тарғиб қиладиган нодир фильмлардан юртдошларимизни баҳраманд этишдир. Ойлик Польша, Исроил ва Туркиянинг республикамиздаги элчихоналари ҳамда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган маданият марказлари томонидан ташкил этилди.


Қобил ХИДИРОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Яккасарой туманида жойлашган «GREAT MOGUL» хусусий фирмаси тугатилади. XXXTUT коди 19202396. Даво-лар бир ой ичиде қабул қилинади. Тел: 152-54-32.

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни тақлиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда сугурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача.....	24% йиллик
1 йилдан 3 йилгача.....	23% йиллик
3 йилдан 5 йилгача.....	24% йиллик
“Юбилейный” (камида 6 ой).....	22% йиллик
“Орзу” (камида 3 ой).....	24% йиллик
“Наврўз” (2 ойга).....	24% йиллик
“Табассум” (45 кунга).....	24% йиллик
“Мадад” (1 йилга).....	22% йиллик
“Умид” (камида 3 ой).....	25% йиллик
“Тақдим этувчига” (камида 3 ой).....	23% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

1 йилгача.....	3% йиллик
1 йилдан юқори	
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача.....	4% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори.....	4,5% йиллик

Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутичаларини ижарага беради.

Маълумот учун телефонлар: 120-84-08, 57-85-15, 120-83-14

БАНККА ҚЎЙЛГАН ОМОНАТЛАР ҲАҚАРАЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ КАФОЛАТЛАНАДИ.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим
Тошкентдаги омбордан.

Телефон
134-48-11

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш
хоналари учун емирилишга чидамли
ТРАНСЛИН қопламаси.

Товар сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Са-
марқанд шаҳар ҳокими, Сенат аъзоси Сухроб Абдураффаров-
вич Рафиқовга палари бузруквор
АБДУГАФФОР отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-
латасининг Девони жамоаси масъул ходим М. З. Ибраги-
мовга отаси
ЗАРИП отанинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Элликқалъа туман ҳокимлиги «Эттекс» акциядорлик жа-
мияти раиси Рашид Ёқубовга онаси
ЧАМАНГУЛ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руйхатта олинган.
Буюртма Г — 361. 28631 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиёв томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан эълон материаллар қабул қилинмайди.
Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Жомхонов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси